**Ушбу сонда:**
2 ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ
3 *Меҳнат ва рағбат* СИҲАТГОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА
4 ҲАР ТАРАФЛАМА ЕТУК, БИЛИМДОН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 15 феврал, чоршанба № 27 (2076)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## 2005 ЙИЛДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2005 йил мамлакатда демократик янгилаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётида 2005 йилда қуйидаги сифат силжишлари юз берди.

Биринчидан, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз параметрларга эришилди, уларнинг кўплари бўйича эса анча ошириб бажариш таъминланди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети кутилаётган 1 фоиз тақчиллик ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этилди.

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг асосий манбалари қулай ташқи омиллар ҳамда углеводород хомашё ва ресурсларга жаҳон нархлари эмас, балки биринчи навбатда бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатли дастури натижалари бўлганлиги ўзига эътиборни жалб этади.

Иккинчидан, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг макроиқтисодий баланслилигини, умуман иқтисодий ўсишнинг локомотивларига айланиши, демографик хусусиятлар, иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларининг кўпайиши ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиши лозим бўлган соҳалар, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган иқтисодиётни тизимли ва изчил равишда таркибий янгилаш юз бермоқда.

Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2005 йилда 2002 йилдаги 14 фоиз ўрнига 20,7 фоизгача ўсди, хизматлар соҳаси улуши 38,5 фоиздан ортиқ бўлди. Беш йил мобайнида коммуникациялар, транспорт ва алоқа тармоқларининг улуши бир ярим баравар ўсди.

2005 йилда маҳсулот экспорти ҳажмининг 11,5 фоизга ўсиши амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилган ютуқларнинг муҳим натижаси бўлди, бунда экспорт ҳажмининг ярмидан кўпроғи тайёр маҳсулотлар ва хизматлар улушига тўғри келди. Ташқи савдо балансида мустақиллик йилларидаги энг юқори - 1,3 млрд АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта захиралари 1,3 баравар кўпайди.

Учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш таъминланди. Солиқ юкини енгиллаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида жамланган бюджетга фискал олиб қўйишлар 2000 йилдаги 37,1 фоиздан 2005 йилда 32,2 фоизгача, давлат бюджетига олиб қўйиш эса 22,6 фоизгача қисқарди.

Тўртинчидан, 2005 йилда моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотни сотиш тизимини эркинлаштириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди. Тадбиркорларнинг, энг аввало кичик бизнес субъектларининг юқори ликвидли моддий ресурслар олишининг барқарор бозор механизми шакллантирилди. Биржа савдоси улуши улгуржи товар айланмаси умумий ҳажмининг 2000 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига унинг учдан бир қисмини ташкил этмоқда.

Бешинчидан, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш томонга туб бурилиш амалга оширилди.

2000-2005 йиллар даврида 4660, шу жумладан 2005 йилда 902 корхона ва объект хусусий мулк қилиб сотилди.

2005 йилда кичик бизнес объектлари сони 31,5 мингтага кўпайди ва 310 мингтадан ортиқни ташкил этди, кичик тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,2 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 65 фоизидан ортиғи ушбу соҳада ишламоқда. Янгидан ташкил этилган иш ўринларининг қарийб 85 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тузилмаси сифатида фермер хўжаликлари қишлоқда жадал ривожлантирилди. Фермер хўжаликларида 1 миллиондан ортиқ киши ишламоқда, улар томонидан 2005 йилда пахта хомашёсининг 66 фоизидан ортиғи, доннинг 55 фоизидан кўпроғи етиштирилди.

(Давоми 2-бетда)

*Бир Фармон шарофати*

***Касаначилик халқимиз ўтмишида бекиёс ўрин тутган. Ўзига хос рақобат муҳитининг шаклланишида, одамларнинг муайян касб-кор этагини тутишида, ҳунар соҳиблари сафи кенгайишида бу ҳаракат муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида корпорацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа умри боқийлигини таъминлади, десак муболаға бўлмайди.***

## СИРДАРЁЛИК КАСАНАЧИЛАР

Тутинисо Омонованинг ҳам гулдай ҳунари бор. Ана шу касби оила аъзоларининг тўқ, фаровон яшашига хизмат қилаяпти. Тўғри, у кўпчилик қатори соатлаб ишламайди. Корхонаси - иссиққина уйи. Хомашёдан ташвиш йўқ. Маоши вақтида. Бир неча йилдирки Гулистон шаҳридаги "Машхура-М" корхонаси буюртмаларини бажаради. Корхонада Тўтинисо опа сингари касаначилар 18 нафардан ошмасди. Фармон шарофати билан уларнинг сони бугунги кунда 40 нафарга етди. Корхона уларни мунтазам иш ва маош билан таъминлаб келаяпти. Тадбиркор раҳбар Мавжуда Рустамова кўплаб уй цехлари ташкил этиб, ишлаш истаги бор, аммо рўзғор ташвишларидан ортмаётган аёлларни иш билан таъминлади. Корхона ўтган йили 70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Бу ютуқда касаначиларнинг ҳам муносиб улуши борлигини эътироф этиш даркор. Хонадонларда тайёрланган маҳсулотлар сифатлилиги билан ажралиб туради. Бозорда ўз ўрнини топаяпти.

Ҳунарманд Машрабхон ая Каримова Мирзачўлда таниқли. У ҳам касаначилик имкониятларини яхши англаб етган. Табаррук онахон қўлидан чиққан бешикда улғайган болалар, сандиқлари уйини безатган келинчаклар кўп. Машрабхон ая бу борада ўзига хос йўл тутгани эътиборга молик. Онахон ўз жамоасига асосан ногиронларни жалб этишга интилади. Уларга ҳунар ўргатишни, фойдали юмуш билан машғул қилиб, ташвишларини аритишга интилади.

Ўз маҳоратини, ҳунари сирларини ёшларга ўргатишни ўз бурчи, деб билади. Шу боис юмушдан бўш пайтлари Гулистон шаҳридаги Ҳ.Олимжон номли 3-мактабда "Ёш ҳунарманд" тўгараги ташкил этиб, билим ва маҳоратидан кўпчиликни баҳраманд этиб келаяпти. Аядан таҳсил олган устазодалар бугун ўз хусусий бизнесига асос яратишаяпти.

-Юртбошимиз фармони кўплаб одамларни иш билан таъминлашга хизмат қилади, - дейди Машрабхон ая Каримова. -. Кичик ва хусусий корхоналар кўп. Улар бу имкониятдан унумли фойдаланишига ҳеч шубҳам йўқ.

Боёвутлик Зебо Тошматова ҳам анчадан буён изланиб-интилиб келаётган тадбиркор аёллардан. Мана саккиз йилдирки минг нафардан зиёд шогирд тайёрлашга мушарраф бўлди. Туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда тикувчилик, зардўзлик, касаначилик, юмшоқ ўйинчоқлар, элита пардалар тайёрлаб келаяпти. Қишлоқ қизлари Зебо Тошматова туфайли касб-ҳунар соҳибига айланишмоқда. Уйда ишлаб ўз маҳсулотлари даромадидан баҳраманд бўлишяпти. Тўғри, ҳали уларнинг иқтисодиётга қўшаётган ҳиссалари ҳаминқадар. Аммо яхши иш, пухта режа ўз мевасини албатта беради.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**
**М.КАРИМОВ**
**олган суратлар**

## СЕНАТДАГИ УЧРАШУВ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Давлат думаси раиси Б.Гризлов раҳбарлигидаги делегация 14 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов ҳамроҳлигида Сенатга ташриф буюрди.***

Сенат раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова ва қўмиталар раислари билан суҳбат чоғида икки мамлакат парламентларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. Бу борадаги алоқалар ривожини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда мазкур ташриф муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Шу куни Б.Гризлов «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида бўлиб, корхона фаолияти билан танишди.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Россия парламенти делегациясига бошчилик қилиб, расмий сафар билан мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думасининг Раиси Борис Гризлов 14 феврал куни Қонунчилик палатаси депутатлари ҳузурида сўзга чиқди. Россия парламенти қуйи палатасининг раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларига юқори баҳо бериб, Ўзбекистон - Россия манфаатли ҳамкорлигини янада ривожлантириш, иккала давлат парламентлараро алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Шундан кейин Борис Гризлов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавоб берди.

Сўзга чиққан депутатлар К.Жумамуротова, Р.Собиржонов, А.Козлов ва бошқалар Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси парламентлари ўртасидаги ўзаро шерикчилик муносабатларини, Давлат Думаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасидаги мунтазам алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидладилар.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси А.Абдуназаров маъруза қилди. Сиёсий партиялар барча фракциялари вакилларининг иштирокида бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисида С.Рашидова маъруза қилди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар жойларда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Ушбу соҳадаги ишни такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси Омбудсманнинг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилди.

**(ЎзА)**

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қайта чирой очган ва янада кўркамлашган Мустақиллик майдони халқимизнинг фахру ифтихори тимсолидир. Президентимиз томонидан 2006 йил 3 февралда қабул қилинган «Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида»ги қарор Ватанимиз тарихи билан боғлиқ мазкур майдоннинг мақомини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди. Умумхалқ байрамлари ва миллий қадриятларимиз билан боғлиқ тантаналарда мамлакатимиз аҳолиси, пойтахтимиз меҳмонлари, хорижий давлатлар раҳбарлари, сайёҳлар учун Мустақиллик майдони, Хотира ва қадрлаш хиёбонига зиёратлар уюштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, янги қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйиш анъанага айланмоқда.***

## МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИГА САЁҲАТ

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида истиқомат қилувчи ёшлар, ўқитувчи ва мураббийлардан бир гуруҳи куни кеча мазкур майдонга келдилар. «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимлиги ва «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур экскурсиядан кўзланган асосий мақсад -Мустақиллик майдони тимсолида талабаларни мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш, улар онги ва қалбида миллий истиқлол ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат, миллий ўзлигимизга ҳурмат туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

...Ғоят улуғворлик касб этган мазкур майдон нафақат ҳамюртларимиз, мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшларнинг, балки хорижлик меҳмонларнинг ҳам севимли зиёратгоҳига айланди. Зеро, у халқимиз озодлигининг, аждодларимиз асрлар оша орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ ва энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир.

Майдонга ташриф буюрган ҳар бир киши бу ерда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлади. Вазирлар Маҳкамаси биноси қайтадан таъмирланди, Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам иншоотлар, зумрад майдон ва файзли хиёбонлар, кумуш фавворалар барпо этилди. Бу ерда айни пайтда янги Маъмурий бино, Бизнес-марказ қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Ана шундай улкан бунёдкорлик ишлари туфайли майдоннинг қиёфаси бутунлай янгича маъно ва мазмун касб этаётир.

(Давоми 2-бетда)

## ЎҚУВЧИЛАРГА — КОМПЬЮТЕРЛАР

Умумтаълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг муҳим йўналишларидан.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бу борада Осиё тараққиёт банки, шунингдек, Жанубий Корея, Япония, Германия, Хитой каби давлатлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Бунинг натижаси ўлароқ, вазирликка Жанубий Кореянинг «Korea Telekom» компанияси томонидан юзта замонавий компьютер беғараз ёрдам сифатида тақдим этилди. Улар пойтахтимиздаги мактаблар ихтиёрига берилади.

## «МАЪРУФ» МАҲСУЛОТЛАРИ

Сут маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган «Маъруф» хусусий корхонаси иш бошлаганига ўн йилдан ошди. Тадбиркор Жамшид Муродов бошлиқ мазкур корхонада кунига беш тоннадан зиёд турли хилдаги сут маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Айни пайтда «Маъруф» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 12 тага етказилди. Бу ерда тайёрланаётган қаймоқ сметана, йогурт, қатиқ ва бошқа маҳсулотлар сифати билан аллақачон ўз харидорини топган.

Корхонани Кармана, Навбаҳор ва Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани фермерлари сут билан таъминлайди.

- Корхонамиз иқтисоди йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда, - дейди Жамшид Муродов. - Халқимиз бежизга хайрсаховатда барака бор, демайди. Меҳрибонлик уйлари, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга имконимиз етганча кўмаклашишга, хусусан юртимизда нишонланадиган турли сана ва байрамлар муносабати билан уларга сут ва сут маҳсулотларини бепул етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз.

***Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида уй-жой-коммунал хўжаликлари фаолиятидаги камчиликларни бежиз танқид қилмади. Бу соҳада назоратнинг сустлиги оқибатида кўзбўямачилик ва мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатлари тобора илдиз отмоқда.***

## КЎПЧИЛИКНИНГ ҲАҚИ

### ТЕШИБ ЧИҚДИ

Когон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ва солиқ хизмати ходимлари томонидан олиб борилган тезкор таҳлиллар давомида "Олимкор юрт" уй-жой мулкдорлари ширкатидаги молиявий бузилишлар сув юзига қалқиб чиқди. Бу ерда ширкат раҳбари Акром Маҳмудов 2004 — 2005 йилларда коммунал хизматлар ва уйларни хусусийлаштириш учун фуқаролардан йиғилган 575 минг 900 сўмни ширкат кассасига кирим қилмай, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган эди.

Бу соҳада бош бухгалтер Марзия Ғафурова ва ҳисобчи-кассир Амина Першина ҳам бўш келишмади. Улар ҳам раҳбардан андоза олиб, коммунал хизматлар ва уйларни хусусийлаштириш учун йиғилган пулларни бир четдан ўзлаштиришга киришдилар. Хаш-паш дегунча 406,4 минг сўм улар жиғилдонидан енгилгина ўтиб кетибди.

Сирлар очилиб, тафтишлар бошлангач, яна бир қатор бузилишлар аниқланди. Ширкатга тегишли товар-моддий бойликларни саноқдан ўтказиш чоғида 4,6 миллион сўмлик камомадга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Ширкатга келтирилган зарар раҳбардан ундириб олинди ва ўзига нисбатан уч йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди. Бош бухгалтер ва ҳисобчи-кассир ҳам жазосиз қолмади. Кўпчиликнинг ҳақи тешиб чиқади, деганлари шу бўлса керак-да!

### ЎХШАШ НУСХАЛАР

Текширув навбати "Тунги ёғду Элигант" хусусий корхонасига келганида раҳбарлар солиқчиларга тайинли бир ҳужжат тақдим этишолмади. Кейин маълум бўлишича, корхона Ромитан туман давлат солиқ инспекциясига бирорта ҳам ҳисобот тақдим этмаган экан. Шундан сўнг солиқчилар банкдан олинган маълумотлар асосида корхона фаолиятини таҳлил этишга киришдилар.

Маълум бўлишича, корхона 4642,9 минг сўмлик мажбурий тўловларни бюджетга тўлашдан бўйин товлаб келаётган экан. Бунинг устига туман ҳокимлигидан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олмай, назорат-касса машинасини туман солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказмай, олди-сотди ишларини авж олдирганлиги маълум бўлди.

Таҳлиллар давомида 6 миллион сўмлик харидоргир маҳсулотлар сотилиб, тушган тушум НКМга кирим қилинмаганлиги ва банк муассасасига топширилмаганлиги аниқланди.

Дилафрўз Раззоқова раҳбарлик қилаётган "Мулти Алигарх" хусусий корхонасида содир этилган қонунбузилишлар ҳам "Тунги ёғду Элигант" корхонасидаги ҳуқуқбузарликларга ўхшаб кетади. У ҳам туман ҳокимлигидан чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома олмай, НКМни туман солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказмай, мўмайгина даромад олиб келаётган экан.

Ўтказилган текширув пайтида корхона 103,9 миллион сўмлик ликвидли маҳсулотларни сотиб, шундан 83,8 миллион сўм савдо тушумини банкга топширмаганлиги аниқланди. Нақд пул тушумини банкдан яшириш ҳолатлари бу ерда илгари ҳам кўп марта содир этилган, корхона раҳбарига эътирозлар билдирилган эди. Лекин танбеҳлар кор қилмаган кўринади. Энди улар жазосиз қолмайди. Ҳозир корхона раҳбари Дилафрўз Раззоқова ва бош бухгалтер Илҳом Қодиров устидан жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

*Менинг нафсим балодир...*

## ТЎҒРИ ЙЎЛ ҚОЛИБ

Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори амал қила бошлаганига ҳадемай тўрт йил тўлади. Қарор талабларига риоя этаётган тадбиркорлар тобора гуллаяпти. Тўғри йўл қолиб, эгри йўлга ўзини ураётган учарлар эса ҳам молидан, ҳам обрўсидан айрилиб эл-юрт олдида бадном бўлаяпти.

Ғиждувон туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари қарор ижросини таъминлаш юзасидан навбатдаги рейдни ўтказиб, яна бир ҳуқуқбузарликнинг олдини олдилар. Чет элда ишлаб чиқарилган ҳужжатсиз 920,9 минг сўмлик кийим-кечакларни бозорда пуллаётган фуқаро М.Раҳимованинг савдоси синди.

Ромитан туманида ўтказилган рейдда эса хазорасплик фуқаро Д. Давлатёрованинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. У "Тошкент - Урганч" йўналиши бўйлаб қатнаётган автобусда 1050 минг сўмлик ҳужжатсиз чет эл кийим-кечакларини устама нархларда сотиш учун олиб кетаётган экан.

Бундай нохуш ҳолатларнинг ҳамон учраб турганлиги кишини афсуслантиради. Бухоро вилоятида қарор ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган рейд ва текширувлар давомида 4671 та ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилди. Қарор талабларига зид хатти-ҳаракатларни содир этган 4214 нафар фуқаро маъмурий, 25 нафар фуқаро эса жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳуқуқбузарлардан 534 миллион 65 минг сўмлик ноқонуний товар-моддий бойликлар вақтинча олиб қўйилди.

Қонунбузарлик энг аввало қонунбузарнинг ўзига зиён етказаяпти. Айланма йўллар орқали минг азобда олиб келаётган молидан, соғлигидан айрилаяпти. Топган-тутганини жарима учун икки қўллаб тутишаяпти. Зеро, ҳаром йўллар билан топилган бойлик юқмайди. Шундай экан, ҳалол ишлаб, ҳалол пул топишга одатланган маъқул.

**Жасур НОСИРОВ,**
**Бухоро шаҳри**

### *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*
### *ҚАРОРИ*

# 2005 ЙИЛДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-бетда)**

Олтинчидан, давлат ва назорат қилувчи тузилмаларнинг корхоналар молия- хўжалик фаолиятига аралашишини кескин қисқартириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини жиддий равишда кенгайтириш таъминланди.

Ўтказилган текширишлар сони 2001 йилдагига қараганда 2,5 баравардан кўпроқ қисқарди. Илгари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган давлат статистика ҳисоботлари сони умуман олганда 2 баравар, ойлик ҳисобот бериш 5 баравар қисқарди. 12 та рухсат берувчи тартиб-қоидалар бекор қилинди, ҳисобот маълумотларининг ноқонуний талаб қилиниши учун жавобгарлик кучайтирилди.

Хўжалик судларининг фаолияти фаоллашди. 2001-2005 йилларда улар томонидан кўриб чиқилган ишлар сони 3,7 баравар, шу жумладан маъмурий қонун бузилишлари тўғрисидаги ишлар бўйича - 4 баравардан ортиқ ўсди. Бунда кўриб чиқилган ишларнинг аксарияти тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига ҳал этилмоқда.

Еттинчидан, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи анча яхшиланди, одамларнинг онги ва менталитети ўзгармоқда. 2005 йилда бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар ўртача 40 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари 22 фоизга кўпайди.

Хусусий мулкчиликни мустаҳкамлаш, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳисобига мамлакатда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф реал шаклланмоқда.

Шу билан бирга, йирик корхоналарнинг давлат активларини сотиш жараёни суст суръатларда бормоқда. Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини, шунингдек «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат- акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси сингари бозорда монопол мавқени эгаллаб турган кўплаб компаниялар объектларини хусусийлаштириш масалаларига ёндашувларни жиддий равишда қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ва масъул тузилмалари фаолиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш ҳамда аҳолининг бандлигини ошириш мақсадида потенциал инвесторларни жалб этишда сезиларли силжишлар йўқ. Кўплаб йирик корхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳволи жиддий равишда яхшилашни талаб қилади.

Банкларнинг фаолияти хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда. Банк тизимида пул-кредит сиёсати баланслилигини, шунингдек бозор ва монетар агрегатларни бошқариш механизмини таъминлашнинг замонавий воситаларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда ҳокимликлар масъулият даражасининг пастлиги сабабли жойларда коммунал хизматларнинг рақобатли бозори суст шакллантирилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўпчилиги ҳанузгача уй-жой фондини бошқаришга ва аҳолининг долзарб талабларини ўз вақтида ҳал этишга қодир бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий бирлашмасига айланганини йўқ. Уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича рақобат муҳити яратадиган коммунал ва таъмирлаш хизматлари бозори ҳанузгача ташкил этилмаган.

Энергия ресурслари, нефт маҳсулотлари ва газни тежашга доир ёндашувларни ва иш амалиётини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

2. Қуйидагилар 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари этиб белгилансин:

бюджет ва солиқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва бирхиллаштириш ҳамда солиқ юкини қисқартириш асосида иқтисодиётни барқарор юқори суръатлар билан ўстиришни, барқарор ва балансланштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш;

таркибий ислоҳотлар кўламларини ҳамда иқтисодиётни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

хусусий мулк сектори кўламини кенгайтириш, бизнес учун кафолатларни мустаҳкамлаш ва қулай муҳитни шакллантириш;

аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандликни таъминлаш;

экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта ресурсларини тежашни, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти самарадорлигини ошириш, таъмирлаш ва коммунал хизматларнинг реал бозорини шакллантириш;

биринчи навбатда энергияни кўп талаб қиладиган тармоқларда - кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа тармоқларда энергия ресурслари қаттиқ тежалишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда:

кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунларини танқидий таҳлил қилсинлар;

аниқ тармоқ, ишлаб чиқариш ва ҳудудга татбиқан иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг 2006 йил учун белгиланган устувор йўналишлари амалга оширилишини таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

Мажлис қарорининг мазкур банди бажарилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Азимов), тижорат банклари:

Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов) билан биргаликда икки ой муддатда «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

2006 йилнинг I чорагида кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредит бериш ва микролизинг хизматларининг кенг доирасини кўрсатадиган, барча минтақаларда филиаллари бўлган ихтисослаштирилган банк ташкил этиш тўғрисида бир ой муддатда таклиф киритсинлар, унда имтиёзли кредит бериш шартларини ва берилган маблағлар қайтарилишини таъминлаш механизмини назарда тутсинлар;

биринчи навбатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар олиш учун аҳолига кредит беришни жиддий равишда кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

Бош вазир Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли - банклар мижозларининг уларга тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатишда, айниқса банкдаги ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ўз вақтида олишда уларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан таъсирчан назорат ўрнатсинлар.

5. Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Савдо-саноат палатаси икки ой муддатда бизнесни юритиш учун рўйхатдан ўтказиш, лицензиялар ва рухсатномалар олишнинг мавжуд тизимини пухта хатловдан ўтказсинлар ҳамда:

бериладиган лицензиялар ва рухсат берувчи тартиб- қоидалар ҳамда ҳужжатлар рўйхатини кескин қисқартириш;

янги корхоналарни рўйхатга олиш ва бизнесни ташкил этишнинг хабардор қилиб қўйиш тизимига устун даражада ўтиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

6. Углеводород хом ашёни разведка қилиш ва қазиб олишнинг тасдиқланган параметрлари бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т.Султонов, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раиси А.Азизов томонидан суст ташкил этилганлиги ва назорат қилинганлиги қайд этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т.Султонов, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (А.Азизов) Давлат геология қўмитаси (Ахмедов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов), Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов) билан биргаликда углеводород хом ашё захиралари илдам ўсишини таъминлашга йўналтирилган геология-разведка ишларини жадал ва кўламли ўтказиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2006 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида юқорида кўрсатиб ўтилган раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилсин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги (Голишев), Молия вазирлиги (Азимов), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Савдо- саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда:

туманлар ва шаҳарлар бўйича саноатни ривожлантиришнинг аҳволини танқидий таҳлил қилсинлар ҳамда минтақа хусусиятларини ва аҳолини иш билан энг юқори даражада таъминлашни ҳисобга олган ҳолда янги ишлаб чиқаришларни, биринчи навбатда мослашувчан кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишнинг 2010 йилгача мўлжалланган аниқ дастурларини ишлаб чиқсинлар;

ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштираётган йирик корхоналарнинг филиалларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсинлар, уларга имтиёзлар ва преференциялар, шу жумладан фойдаланилмаётган биноларни инвестиция мажбуриятлари эвазига текин берсинлар.

8. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов):

Адлия вазирлиги (Мустафоев) билан биргаликда янги қўшма корхоналар ташкил этишга, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтириладиган хорижий инвестицияларни янада кенг кўламда жалб этиш учун ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсин;

инвестициялар жалб этишнинг янги шаклларини амалиётга жорий қилишни кенгайтирсин, хорижий ишбилармон доираларни ва потенциал шерикларни иқтисодиётнинг айрим секторларидаги инвестиция имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилсин.

9. Давлат мулки қўмитаси раиси (Асқаров)га корхоналарни хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлашнинг, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини ривожлантиришнинг, шунингдек хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришнинг, биринчи навбатда Кузатувчи кенгашлар самарадорлигини амалда оширишнинг муҳим стратегик йўналишларини амалга ошириш юзасидан юкланган вазифалар бажарилишининг паст самарадорлиги кўрсатиб ўтилсин.

Бош вазир ўринбосари В.А.-Голишев, Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), Молия вазирлиги (Азимов) ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова) икки ой муддатда 2006- 2008 йилларда Хусусийлаштиришнинг янги дастурини ишлаб чиқсинлар ва киритсинлар, бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсинлар:

стратегик аҳамиятга эга бўлмаган табиий монополиялар тармоқлари корхоналарини дастурга киритиш;

инвестор томонидан аниқ инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда инвестиция мажбуриятлари эвазига текин беришга тавсия этилаётган корхоналар ва объектлар рўйхатини анча кенгайтириш;

биржа савдоларида ва биржадан ташқари савдоларда сотиш учун ҳар бир корхона ва объектни сотишдан олдин тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва янги самарали тизимни жорий этиш;

хусусийлаштиришдан кейинги мониторингни амалга оширишга тизимли ёндашишни ишлаб чиқиш, янги мулкдорларнинг улар томонидан хусусийлаштирилган корхоналардаги ишларнинг аҳволи, ўз зиммасига қабул қилган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши учун иқтисодий жавобгарлигини ошириш;

холдинг ва акциядорлик компаниялари устав фондларидаги акцияларнинг давлат пакетлари улушини камайтириш.

10. Молия вазирлиги (Азимов), Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (Юнусматов) икки ой муддатда яқин келажакда рақобатга бардошли фонд бозорини ривожлантиришни, биржа савдоларида акциялар ва объектларни сотишнинг ошкоралигини оширишни назарда тутувчи қимматли қоғозлар бозорини, айниқса иккиламчи бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсинлар ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

11. Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов), Молия вазирлиги (Азимов), «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси (Абдуазизов), Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова) бир ой муддатда:

инвесторларга - хусусий мулкдорларга бино ва иншоотларни улар жойлашган ер участкалари билан, уларга қатъий бозор ёндашувлари асосида нарх белгилаган ҳолда, хусусийлаштириш ҳуқуқини бериш ҳисобига хусусийлаштириш объектларини кенгайтириш имконияти тўғрисидаги;

белгиланган нормалар доирасида хусусий уй-жой қурилиши учун ер участкаларини хусусийлаштириш механизми тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

12. Молия вазирлиги (Азимов), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова) Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги (Мустафоев), бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йил 1 апрелгача бўлган муддатда мавжуд аҳволни таҳлил қилсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига:

мулкнинг кадастр баҳоси бўйича, кўчмас мулк биржасида ва ким ошди савдоларида кўчмас мулкни сотишдаги воситачилик тўловлари бўйича, мулкка доир битишувларда давлат божлари ставкалари бўйича, ихтиролар ва фирма номлари учун патентлар олишга харажатлар бўйича кўрсатиладиган хизматларга хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини камайтириш;

тадбиркорлик субъектларига белгиланадиган жарима санкцияларини камайтиришни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар киритсинлар.

13. Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йил 15 апрелгача маъмурий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бошқарув тузилмаларининг бошқариш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ваколатларини тубдан қисқартириш, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашишини ва уни регламентлашини янада қисқартириш масалаларини кўриб чиқсин ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилсин.

14. Адлия вазирлиги (Мустафоев):

Ўзбекистон Республикаси Олий суди (Тошматов), Олий хўжалик суди (Ишметов) билан биргаликда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган суд тизимини янада мустаҳкамлаш ва суд ислоҳотларини чуқурлаштириш бўйича бир ой муддатда таклифлар киритсин;

жойлардаги адлия органларининг аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онгини ошириш, амалий ташаббускорликни ривожлантириш, барқарор даромад ва иш билан доимий банд бўлиш манбаи сифатида ўз бизнесини ташкил этиш борасида яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш бўйича ишларини фаоллаштирсин;

республика минтақаларида ҳокимликлар ва давлат бошқаруви органлари ходимлари учун тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларга берилган ҳуқуқ ва кафолатлар тизими тўғрисида тизимли асосда семинарлар ўтказсин;

республикада, энг аввало давлат бошқаруви органлари ва назорат қилувчи тузилмалар томонидан қонунлар ижросининг аҳволи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Сенатига ҳар йили ахборот тақдим этиш амалиётини жорий этсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари фермерларга улар етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, биринчи навбатда чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кооперациянинг турли шаклларини ихтиёрий асосда ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатсинлар, бунда уларни ташкил этишда мансабдор шахслар ноқонуний хатти-ҳаракатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратсинлар.

16. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бир ой муддатда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишга, шу жумладан:

янги микрофирмалар ташкил этишга, оилавий бизнес ва кичик, хусусий корхоналарни ривожлантиришга, микрокредитлаш тизимини рағбатлантиришга;

йирик саноат корхоналари билан кооперациялаган ҳолда касаначиликдан фойдаланишни кенгайтиришга;

маҳаллий хом ашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқ-овқат қайта ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантиришга;

2010 йилгача бўлган даврда, энг аввало қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга;

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида моллар, энг аввало қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган дастурларнинг бажарилишини назорат қилишнинг аниқ чора-тадбирларини ва механизмини ишлаб чиқсинлар.

Кўрсатиб ўтилган дастурларнинг бажарилиши Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар чоракда ўтказиладиган мажлисларида кўриб чиқилсин.

17. Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларини иш билан банд бўлмаган аҳоли тоифасини тўлиқ ва холисона белгилаш ва уларни жаҳон амалиётига мувофиқ ҳисобга олиш юзасидан такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрласин.

18. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов) бир ой муддатда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ўтказилган амалдаги маъмурий, божхона, банк тартиб-қоидаларининг пухта таҳлили асосида кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш учун барча тўсиқларни бартараф этиш тўғрисида аниқ таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев икки ҳафта муддатда барча божхона тартиб-қоидаларини бошқаришнинг ошкоралигини, ички бозорни контрабанда йўли билан келтириладиган маҳсулотлар кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлашни назарда тутадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган норматив ҳужжат сифатида янги таҳрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқиш бўйича, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, махсус ишчи гуруҳ ташкил қилсин.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

Бош вазир ўринбосари Н.М.Ханов, Иқтисодиёт вазирлиги (Шоабдураҳмонов), Молия вазирлиги (Азимов), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда уй-жой мулкдорлари ширкатларини малакали ва ҳалол ишлайдиган мутахассислар билан мустаҳкамлаш, уларга белгиланган тартибда молиявий ёрдам бериш, монополизмни бартараф этиш ҳамда таъмирлаш ва коммунал хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳар чоракдаги якуний мажлисларида туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг уй-жой мулкдорлари ширкатларига уй-жой фондидан фойдаланиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишларини танқидий баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда уларнинг ҳисоботларини эшитиш таъминлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Мирзиёев), Иқтисодиёт вазирлиги (Тўлаганов) «Ўзбекнефтгаз» (Азизов), «Ўзбекэнерго» (Шоисматов) компаниялари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 2006-2010 йилларда энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар, унда қуйидагиларни:

нефть, газ, газ конденсати қазиб олиш, уларни ташиш ва қайта ишлашнинг уларнинг исроф бўлишини ҳамда улардан ўз технологик эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳажмларини анча камайтиришни, уларни қайта ишлашнинг пухталиги ва сифатини оширишни таъминлайдиган янги прогрессив технологияларини жорий этишни;

иқтисодиётнинг барча тармоқларида энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни кенг жорий этишни, энергияни тежаш бўйича тармоқ чора-тадбирлари амалга оширилиши мониторингини таъминлашни;

энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш қоидаларини такомиллаштиришни, ҳамма жойда ўлчаш приборлари ўрнатилишини қатъий назорат қилишни, энергия истеъмол қиладиган приборларни энергияни сарфлаш нормативларига мувофиқлиги юзасидан халқаро стандартлар бўйича мажбурий сертификатлашни;

энергия тежалишини иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирларини янада такомиллаштиришни, молиявий-иқтисодий, солиқ омиллари ва механизмлари тизимидан кенг фойдаланишни;

энергиянинг анъанавий бўлмаган муқобил манбаларини кенг қўлланишни назарда тутсинлар.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Танирбергенов), Сирдарё (Жалолов), Сурхондарё (Эшмуродов), Тошкент (Куччиев), Қашқадарё (Зайниев), Фарғона (Нурматов), Хоразм (Бобожонов), Самарқанд (Нурмуродов) вилоятлари ҳокимликлари томонидан коммунал хизмат кўрсатишдаги иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш дастурларини бажариш, коммунал хизматлардан фойдаланадиган истеъмолчиларни шартномалар билан тўлиқ қамраб олиш ишларининг суст мувофиқлаштирилаётганлиги қайд этилсин.

Бош вазир ўринбосари Н.М.Ханов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Молия вазирлиги (Азимов) билан биргаликда ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва молиявий оқимларни мақбуллаштириш йўли билан энергетика ресурслари етказиб берувчиларнинг дебиторлик қарзларини тубдан қисқартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

совуқ ва иссиқ сув сарфини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш бўйича жадвалларнинг қатъий ва изчил бажарилишини таъминласинлар.

23. Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) икки ҳафта муддатда хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг газ ва электр тармоқларига ноқонуний уланишининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, уларда уланишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан тизимли назоратни ҳамда қонун бузувчиларга ва таъминловчи ташкилотларнинг масъул шахсларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораларини қўллашни назарда тутсинлар.

24. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмоилов), «Ўзагромашсервис» уюшмаси (Солиҳбоев), «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси (Матчонов) 2006 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги техникаси, 1 майгача эса - ғалла ўриш-йиғиш комбайнлари ва ем-хашак ўриш-йиғиш техникаси тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамроев) экиш мавсуми бошлангунгача коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугалласин.

Молия вазирлиги кейинчалик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалигидаги тайёргарлик ишларини амалга оширишга кредит бериш учун Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларини тижорат банкларига ажратиш муддатларини мақбуллаштириш масаласини кўриб чиқсин.

25. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 10 феврал

---

**(Боши 1-бетда)**

# МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИГА САЁҲАТ

Саёҳат чоғида ёшлар Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Ватан, она каби муқаддас тушунчалар бир-бирига, айни чоғда истиқлол ва эзгуликка нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканига яна бир бор иқрор бўлдилар.

- Мазкур экскурсия биз, ёшларни жуда ҳаяжонга солди, -дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети талабаси Хуршид Мамаражабов. - Ушбу майдонда бўлган, ундаги улкан ўзгаришларни кўрган ҳар бир киши Ватанимиз учун фахр туйғуларини ҳис этиши, шу азиз замин учун муносиб фарзанд бўлишдек эзгу ниятларни хаёлидан ўтказиши шубҳасиз.

Майдонда юртимизнинг турли вилоятларидан келган кишиларни учратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири турли сабаб билан келган пойтахтга, аммо Мустақиллик майдонини, унинг янги қиёфасини зиёрат қилишни ҳаммаси бирдек ният қилганига шубҳа йўқ.

- Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 39-мактабда директор бўлиб ишлайман, - деди ўзини Ҳафиза Исмоилова деб таништирган суҳбатдошимиз. - Майдонга етти йил аввал келган эдим. Ўтган вақт мобайнида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган улкан ўзгаришлар ҳар қандай кишини ҳаяжонга солади. Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи фарзандларимизда ватанпарварлик, фидойилик, юрт келажаги учун масъуллик каби энг эзгу фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Яқин кунлар ичида бу ерга бутун мактабимиз жамоаси ҳамда ўқувчиларимизнинг саёҳатини ташкил этишни ният қилдик.

**(ЎзА)**

---

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришда самарадорликка эришишда жамоа шартномаларининг аҳамияти жуда катта. Бир неча йилдирки "Янгиқўрғонпахта" акциoнерлик жамияти маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси ҳамкорлигида унга тўла риоя этилаётганлиги корхонада сифатли хомашё тайёрлаш ва ишчилар моддий манфаатдорлигини оширишда қўл келмоқда.

Ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш мақсадида жамоа шартномаларидаги айрим бандларга қўшимчалар киритилди. Бу меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоялашни кенгайтиришга ҳам асосий омил бўлаётир. Унга кўра тунги сменаларда меҳнат қилаётганларга қўшимча шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, меҳнатдан ташқари бўш вақтлар мазмунли ўтиши учун кутубхона, дам олиш хоналари, клуб, сартарошхоналар қайта таъмирланиб, ишга туширилди.

**Суратларда: корхона ходимлари фаолиятидан лавҳалар.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**



*2006 йил -*
*Ҳомийлар ва*
*шифокорлар йили*

# ИНСОН ҚАЛБИ ВА ЮРАГИДАГИ ЭНГ ЭЗГУ ТУЙҒУЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

*Бор бўл, оқибат!*

# ТОҒЛИ ҚИШЛОҚДА 2 ТА ҚВП

***Ҳамсуҳбатимиз — етмиш ёшли Рўзиқул бобо бундан йигирма йил илгари бўлиб ўтган бир воқеани сўзлаб берди:***

***— Ўшанда фарзандим қўққисдан бетоб бўлиб қолганди, - деди у. — Боботоғ қишлоғи туман марказидан 100 километр олисда жойлашганди. Зарур чора кўрилмаса, беморнинг аҳволи тобора оғирлашиб борарди. Устига-устак, мутахассислар қишлоқда деярли йўқ ҳисоби. Хуллас, хўжалик марказидан шифокор топиб келгунимизча бир неча соат вақт ўтди, ўғлимнинг ҳаётини зўрға сақлаб қолгандик...***

Йиллар ўтди. Мустақиллик берган неъматлар туфайли республикамизнинг энг жанубий туманларидан бири - Узунда ҳам ислоҳотлар қўяётган талаблар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиб, қишлоқ ва ҳудудлар кун сайин чирой очмоқда. Хусусан, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш борасидаги муҳим ўзгаришлар самарасини ижтимоий масалаларда, таълим тизимида, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида яққол кузатиш мумкин.

Бир мисол. Туман ҳудудий жойлашуви ва аҳоли зичлиги жиҳатидан Сурхондарё вилоятида юқори ўринлардан бирида турсада, эътибор сустлиги боис, ўша пайтларда соғлиқни сақлаш тизими одамлар талаб-эҳтиёжини қондиролмасди. Эндиликда марказий касалхона ҳомийлар кўмагида таъмирланиб, бўлимлар фаолияти кенгайтирилди ва ҳар жиҳатдан ихтисослашган 11 та бўлим аҳоли саломатлигини муҳофазалаётир. Шунингдек, юқумли касалликлар шифохонаси, болалар поликлиникаси, силга қарши диспансер кабилар ҳам барча тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган ва бу жойлардан туман аҳли ўз саломатликларини мустаҳкамлашда самарали фойдаланишаётир.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги туб ислоҳотлар фақат туманнинг кўзга ташланадиган жойларида эмас, балки қишлоқ ва аҳоли зич яшаётган қўрғонларда ҳам олиб борилаётир. Бундан ўн тўрт йил муқаддам ҳудудда атиги 2 та врачлик пункти ва 1 та амбулатория фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги пайтда ҚВПлар сони 14 тага, амбулаториялар эса 5 тага етди. Муҳими, улар шунчаки қурилган эмас, балки четдан келтирилган энг илғор асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳамда мутахассислар бу жойларда етарлича. Энди қишлоқ кишилари ҳар қандай дардга шифо топиш учун узоққа бориб юришмайди.

Бу каби ишларда ҳукуматимиз саъй-ҳаракати катта бўлаётир. Тадбиркор, ишбилармонларнинг ҳам улуши беқиёс. Мавжуд фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари шифохона ҳамда жойлардаги бўлимларни замонавийлаштиришда беминнат мадад беришаяпти.

"Феруз" кўп тармоқли хусусий корхонаси ҳам ана шундайлардан бири. Меҳнат аҳли ҳар йили барча бўлимларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича истиқболли шартномага эга. Туман давлат таъминоти ва "Жавоҳир" кичик корхонаси эса тизимидагиларни моддий қўллаб-қувватлашларда ҳамиша бош-қош. Ўтган мавсумда ҳомийлар мадади билан терапия, жарроҳлик, болалар клиникаси, тез тиббий ёрдам каби бўлимлар тўлиқ таъмирланди ва зарур асбоблар билан жиҳозланди.

Ҳукуматимизнинг соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор қарорлари тизим яловбардорлари масъулиятини оширишга ва замонавий технологиялардан унумли фойдаланишга шарт-шароитлар яратмоқда. Масалан, илгари барча дори-дармонлар марказлаштирилган ҳолда четдан келтириларди. Айни пайтда 20 хилдан зиёд зарур дори-дармонлар бош шифохонанинг ўзида тайёрланаяпти. Бу бошқариш ва ўз-ўзини иқтисодий таъминлашга йўл очмоқда. Кейинги олти ойда мана шунинг ўзидан 20 миллион сўм иқтисод қилинди. Тежалган маблағнинг бир қисми тармоқ ривожига йўналтирилаётган бўлса, қолгани ишловчиларни ижтимоий муҳофазалашга сарфланмоқда.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида тизим яловбардорларининг режалари бир талай. Асосий мақсадлари эса ягона — одамлар саломатлигини асраш ва касалликларнинг олдини олишдан иборат.

Дарвоқе, боботоғлик Рўзиқул бобо бошлаган ҳикоя ҳам аслида бор гап эди. Яқинда эса отахоннинг орзуси ушалганлигини эшитдик. Туман ва вилоятдаги ҳомийлар кўмагида ҳар бири 50 нафар кишига хизмат кўрсата оладиган иккита қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилибди.

**Эшбой МАҲМУДОВ,**
**жамоатчи мухбир**

Меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос хислат. Саховатли ишлар Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам янада яққолроқ кўзга ташланмоқда.

Зарафшон шаҳридаги "Шодлиқ" меҳрибонлик уйида тарбияланаётган кўнгли ўксик болажонларнинг ҳар жиҳатдан камол топишида ҳукуматимиз томонидан барча шароитлар яратилган. Уларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун мавжуд корхона ва ташкилотлар қаторида ишбилармонлар ҳам доимо эҳтиром кўрсатиб келишмоқда.

Яқинда бир гуруҳ тадбиркорлар ҳомийлигида Меҳрибонлик уйида тарбияланаётганларга моддий мадад кўрсатилди.

**Суратда: Меҳрибонлик уйи тарбиячи ва тарбияланувчилари ўзларига кўрсатилган эҳтиромдан миннатдор.**

*Дил изҳори*

## ШОДЛИГИМНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

***Инсон сиҳат-саломатлигини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Чунки ишхонадаги меҳнатимизга ривож ҳам, хонадонга қут-бараканинг кириши ҳам аввало унга боғлиқ. Самарқандлик Шароф Маърупов ишчанлиги ва меҳнатсеварлиги билан жамоада, маҳаллада обрў топганлардан. Бироқ ҳаёт тасодифларсиз бўлмаскан. Ўша куни ҳам у корхонада эрталабдан одатдаги юмушлар билан шуғулланиб юрганди. Кутилмаганда бошига келиб тушган қаттиқ жисмдан ҳушини йўқотади.***

— Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бошдаги жароҳат тузалди, аммо икки кўзим нурсизланиб, кўрмай қолди, - дейди у. — Шундан сўнг кўп елиб-югурдик, мутахассисларга кўриндик, фойдаси бўлмади. Кўзлар эса тобора нурсизланиб борарди. "Сиҳат ва фароғат" клиникаси ҳамда Республика ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги мутасаддиларининг беминнат ҳомийлиги натижасида Москвага бориб операция қилдирдим. Ҳозирги кунда икки кўзим ҳам тўлиқ кўраяпти. Ёруғ оламдан қайта баҳраманд бўлишда фидойиликларини аямаган А.Жабборов, Н.Эргашев, А.Юсупов, Н.Норматова, К.Валиева, О.Убайдуллаев, М. Турсунов сингари ҳокисор кишилар ҳар доим омон бўлишсин.

**Рўзмат МАЛИКОВ**

*Излаган имкон топади*

# ДАРОМАДНИНГ БИР ҚИСМИ

## жонкуяр мураббий ва аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланаётир

***Илм даргоҳларида ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни кучайтириш ва моддий фаровонликни янада мустаҳкамлаш давлат дастури доирасидан кенг ўрин олган. Бекобод тумани халқ таълими бўлими тизимида кейинги даврда бу масалага алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Мавжуд 57 та мактабнинг барчаси замонавийлаштирилиб, 11 та илмгоҳ замонавий компьютерлар билан таъминланди. 19 тасида эса қўшимча синфхоналар қурилиб, болалар спортини ривожлантириш мақсадида анжомлар келтирилди.***

Бундай ишларни рўёбга чиқаришда корхона ва ташкилотлар қаторида ҳомийлик мададига ҳам таянилаётир. Масалан, Бўка туманида жойлашган "Бунёдкор" масъулияти чекланган қурилиш жамоаси жаҳон талаблари даражасига жавоб берадиган битта мактаб қуриб берган бўлса, "Садақайрағоч" хусусий корхонаси мавжуд парта, доска ва стол-стулларни таъмирлаш ишларида ҳомийлик қилди. Мактабгача тарбия муассасалари ҳам тадбиркор ва ишбилармонлар назаридан четда қолмаётир. Таъминот масаласида «Бекободтайёрлов» корхонаси, "Карвон", "Жаҳонгир" каби хусусий ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамиша бош-қош.

Мактабларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган. Бу агросаноат мажмуидаги корхоналар билан истиқболли ҳамкорлик қилишга имкон беради. Ҳозирги кунгача ширкат ва 700 дан зиёд фермерлар билан тузилган шартномага кўра 14 та мактаб жамоасига энг унумдор жойлардан ер ажратиб берилган. Ўқитувчи ва ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида ана шу ерда фойдали меҳнат билан шуғулланишади. Бозор иқтисоди шароитида илм даргоҳларини моддий қўллашнинг тажрибада синалган бу усул ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш имконини бераётир. Масалан, 19 ва 29-мактаблар жамоаси ўз тасарруфидаги экин майдонларида кўчат етиштириш ҳадисини олишган. Ишлаб топилаётган маблағнинг бир қисми илғор мураббий ва аълочи болаларни рағбатлантиришга, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфланаётир.

Қиш мавсуми олдидан тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли иккита мактабнинг томи сифатли қилиб таъмирлаб берилди. Саховатли ишлар мураббийлар жамоасини қувонтириш қаторида улар зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда.

**Эркин ҚАҲРАМОНОВ,**
**ўқитувчи**

*Тадбиркорлик давр талаби*

## "ЮЛДУЗ-ЧЕВАР" МАҲСУЛОТЛАРИ

### хорижникидан қолишмайди

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш ва рақобат бозорини шакллантириш бугунги кун талаби. Кейинги йилларда юртимиз тадбиркорларининг эркин фаолият юритишлари ва истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун кўплаб қулайликлар яратилиб, улар ҳақ-ҳуқуқлари қонун доирасида ҳимояланмоқда. Натижада ишбилармонлар ҳаракати ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларда яққол кўринаётир.***

Қарши туманидаги "Юлдуз-Чевар" кўптармоқли ишлаб чиқариш корхонаси ана шулар жумласидандир. Бу ерда ихчам янги технологиялар жорий этилиши қаторида ишчи ўринлари яратилди ва замонавий цехлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда ана шу меҳнат жамоасининг изланишлари ва тадбиркорлиги натижасида хотин-қизларга мўлжалланган ўн хилдан ортиқ кейим-кечаклар, эркаклар костюм-шимлари, автомашиналарга ғилофлар ва рўзғорбоп сифатли маҳсулотлар тайёрланаяти. Муҳими, бу маҳсулотлар бежиримлиги ҳамда чидамлилиги бўйича хорижникидан қолишмайди. Арзонлиги боис харидоргир. Айни пайтда корхона ва ташкилотлардан ҳам буюртмалар қабул қилиниб, истиқболли шартномалар тузилаётир.

Кўптармоқли меҳнат жамоасида ёшларни фойдали ишга жалб этиш ва уларни касбкорликка йўналтиришга катта эътибор билан қаралади. Устоз-шогирдлик анъаналарига биноан шу кунгача қирқ нафардан зиёд киши ҳунар сир-саноатларини пухта ўзлаштирди. Ўтган йили улар саъй-ҳаракати туфайли қарийб 40 миллион сўмлик маҳсулот истеъмолчига етказиб берилди. Ишлаб топилган маблағ ҳисобидан меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза қилишга ва хайр-саховатлар кўрсатишга имкон туғилаётир. Меҳнат жамоасининг бу борадаги режалари бир талай. Муҳими, корхонада сайқал топаётган маҳсулотларга қўшни республикаларда ҳам талабгор кўпаймоқда.

**Мавлудахон ШАРИПОВА,**
**ишчи**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Табиий иқлим шароити оғир бўлган Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш ва янги ишчи ўринлари барпо этишга эътибор янада кучайтирилаётир. Хусусан, Элликқалъа тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш бўлими фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида "Бандлик" дастурини изчилликда амалга оширишяпти.

Шу кунгача бўлимга мурожаат этган 450 нафар кишидан 225 нафари ишга жойлаштирилди. 100 нафар фуқарога вақтинчалик ишсизлик нафақаси тайинланди. 75 нафар ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида қайта ўқитилиб, касб эгаллашга кўмаклашилаётир.

Умуман, туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш бўйича истиқболли режалар тузиб олинган. Унда жорий йил охиригача барпо этилаётган ва фаолият кўрсатаётган қўшма корхона, деҳқон-фермер хўжаликлари ҳамда кичик корхоналар ҳисобига яна 1000 та ишчи ўрни ташкиллаштириш назарда тутилган. Тугатилаётган ширкатлар негизида қайтадан ташкил этилаётган фермер хўжаликларининг бизнес-режаларида ҳам бунга муҳим масала сифатида ёндошилаётир.

**Мурод ЯХШИБОЕВ**

## ХОМАШЁ ҚАЙТА ИШЛАНСА

### ишчи ўринлари кўпаяди

Поп тумани қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга кенг ихтисослашган. Салоҳияти жиҳатидан қараладиган бўлса, нафақат тайёрлаб бериш, балки етиштирилаётган хомашёни шу жойнинг ўзида қайта ишлаш имкониятлари жуда кўп. Бунда пахта ипи ва трикотаж мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қўшма корхона "Исковуттекс"нинг фаолияти диққатга сазовор. Унинг фойдаланишга топширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, ҳозир корхонанинг лойиҳа қуввати олти минг тонннадан зиёд пахта толасини ишлаб чиқариш имконини беради.

Муҳими, бу ерда юз фоиз маҳаллий хомашёга асосланган ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Эндиликда ана шу корхонада 400 нафардан зиёд киши иш билан таъминланган. Тайёрланаётган маҳсулотга эҳтиёжнинг ортаётгани келажакда тармоқни янада кенгайтириш имконини беради. Ҳозирги кунда бу борада бир қатор лойиҳалаштириш ишлари олиб борилаётир. Агар у амалда татбиқ этилса, яна қўшимча ишчи ўринлари яратилишига шубҳа йўқ.

**Оқилжон МАДАЛИЕВ**

*Бозор талаби-қатъий*

# МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

***Хоразмлик миришкорларни заргарга, тупроғини эса зарга қиёслашади. Бунинг боиси, табиий иқлим шароити жиҳатидан экин майдонларига ишлов бериш анча оғир. Айниқса, ер минерал ва маъданли ўғитларга вақтида тўйинтирилмаса, шўр ҳамда гипс юзага кўтарилиб, ҳосилга путур етди, деяверинг. Илгарилари масаланинг мана шу муҳим жиҳатлари инобатга олинмасдан деҳқондан фақат режа талаб этиларди. Боз устига, четдан катта маблағ ҳисобига келтирилаётган минерал ўғитлар қўшни давлатлар ҳудудида бир неча кунлаб сабабсиз туриб қоларди.***

Мустақиллик йилларида темир йўл транспортини ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан катта ҳажмдаги маблағлар сарфланиб, бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Натижада бу борада воҳаликлар учун мустаҳкам таянч яратилиб, ечимини кутаётган барча муаммолар барҳам топди.

Жумладан, "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акционерлик жамияти мисолида масалага ёндошилса, у яққол кўзга ташланади. Кейинги икки йил оралиғида темирйўлдаги айрим тўсиқларга батамом чек қўйилгани ҳисобига миллионлаб сўмларни тежашга эришилди. Шунингдек, мавжуд 10 мингдан ортиқ фермер хўжаликларига шартнома бўйича ўз вақтида хизмат кўрсатиш имкони туғилди.

Иқтисод қилинган маблағлардан тармоқ янада ривожлантирилиб, фермерларга қулай шароитлар яратилаётир. Бундан ташқари, кам даромадли ва боқувчисини йўқотган оилаларга, меҳрибонлик уйларига ҳомийлик кўмаги берилаётир. Ўтган мавсумда ана шундай кишилардан 60 нафари оталиққа олиниб, 24 нафар киши корхона ҳисобидан "Хонқа" сиҳатгоҳида дам олдирилди. Ҳар бир тумандан 20 нафар, жами 200 нафар кам таъминланган хонадонга бир тоннадан кўмир ёқилғиси тарқатилди. Тизимда меҳнат қилаётган 700 нафар ходим жамоа шартномаси келишувига кўра рағбатлантирилиб борилди. Таътил даврида эса қўшимча бир ярим ойлик маош миқдорида пул маблағи берилмоқда.

Жорий йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эътироф этилиши саховат ҳамда хайрли ишларни янада кўпайтиришни тақозо этади. Корхонамиз касаба уюшмаси ва маъмурият ўртасида яқинда қабул қилган жамоа шартномасида бунга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, болалар спортини ривожлантиришга 10 миллион сўм, "Нуроний" жамғармасига 500 минг сўм, вилоят футбол клубига 5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ёшларга етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш миллий дастурдан кенг ўрин олган. Бу борада корхонамиз аҳли вилоятдаги олийгоҳлар билан истиқболли шартномага эга. 15 нафар кам таъминланган талабаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб келинаяпти. Шунингдек, улар истиқомат қилаётган ётоқхоналарни таъмирлаш ва ободонлаштириш учун 10 миллион сўм маблағ ажратилиб, оталиққа олинди.

Маълумки, Хоразм вилоятидаги мавжуд ширкатлар тарқатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Янги ташкил этилаётган фермерлар кўмагимизга ҳам муҳтож. Шу боис, жамоа шартномасининг айрим бандларига қўшимчалар киритдик. Уларда туманлардаги фермерларга имтиёзлар яратиб бериш, энди фаолиятини синаб кўраётганларидан айримларини оталиққа олиш тажрибаси синаб кўрилиши назарда тутилган.

Таъкидланган барча юмушлар ўз-ўзидан юзага чиқаётгани йўқ. Бунда аввало маъмурият ва касаба уюшмасининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда меҳнат аҳли манфаати биринчи ўринга қўйилгани асосий омилдир. Ана шу келишувларга биноан жорий йилда ҳам аввалги анъаналар давом эттирилмоқда. Январ ойида 10 киши корхона ҳисобидан сиҳатгоҳда дам олдирилди, 8 нафар ишчига моддий ёрдам кўрсатилди.

**Баҳодир АЛЛАБЕРГАНОВ,**
**Хоразм вилояти**
**"Қишлоқхўжаликкимё" жамияти**
**раиси**

*Инсонга наф келтириш-олий бахт*

## "ПАҲЛАВОН" САХОВАТИ

Андижонлик ишбилармон Фарҳод Акромов тадбиркорликни ғишт ишлаб чиқариш заводи қуришдан бошлаганининг сабаби бор. Саксонинчи йилларда яхши ният билан уй қуриш учун уч минг дона пишган ғишт сотиб олади. Бироқ орадан ҳеч вақт ўтмай, текшир-текширлар бошланиб, саккиз ой деганда машмашалардан зўрға қутилади. Ҳолбуки, у маҳсулотни ҳалол ишлаб топган маблағига олган бўлса-да, аммо замон "кўтармасди".

"Паҳлавон" кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти истиқлолнинг дастлабки йиллари билан елкадош. Тадбиркорнинг бизнес-режасига кўра аввалбошда 3 та ғишт ишлаб чиқариш заводи қурилиб, аҳолининг қурилиш хомашёсига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Орадан кўп ўтмай олинаётган даромад ҳисобига асфальт ишлаб чиқариш цехи, ёғочни қайта ишлаш, гилам тўқиш цехлари, чорвачилик, қурилиш ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, шишани қайта ишлаш каби ўнлаб тармоқлар ишга туширилди.

Эндиликда 300 нафардан зиёд киши ана шу жойларда меҳнат қилиб келаётир. Корхона жамоаси ёшларни касбга йўналтириш ва ҳунар ўргатишга ҳам алоҳида аҳамият билан қарайди. Қишлоқ ёшларидан 50 нафардан зиёди бу ерда ҳунарли бўлишди, тақдирини шу корхонага боғлади.

Тармоқлар кенгайиб, ишлаб чиқариш ривожлангани сари иқтисодиёт ҳам мустаҳкамланавераркан. Меҳнат аҳлини моддий қўллаш ва уларга етарлича шароитлар яратиш қаторида хайр-саховат ишлари ҳам жонлантирилаётир.

Хусусий фирманинг кейинги йилларда бу борада амалга оширган юмушлари диққатга сазовор. Жумладан, Улуғнор туманидаги иккита мактабга замонавий спорт заллари қуриб берилди. Айни кунларда бу ерда ёшлар каратэ, таэквондо, кураш, бокс каби спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланишаяпти. 45 нафар кам таъминланган, 15 нафар боқувчисини йўқотган кишилар жамоа саховатидан баҳраманд. Шу кунгача 70 нафар ота-онасиз фарзандларнинг суннат тўйлари ўтказиб берилди. Шунингдек, Балиқчи туманидаги иккита мактаб, иккита шифохона, тўртта қишлоқ врачлик пунктига оталиқ ёрдами кўрсатилаяпти.

**Тўламбой АСЛОНОВ,**
**ишчи**

*Меҳнат ва рағбат*

# СИҲАТГОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

***Данғарадаги "Найманча" ширкат хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар талаблари асосида иш юритилиб, юқори самараларга эришилаётганлигини фарғоналиклар яхши билишади. Ишлаб чиқаришни шакллантириш ва сифатли маҳсулот етиштириш қаторида ижтимоий масалаларни йўлга қўйиш ҳар йили қабул қилинаётган жамоа шартномасида ўз ифодасини топади. Унга кўра кам даромадли ва боқувчисини йўқотган, шу ерда меҳнат қилиб, нафақага кузатилган ва ногирон кишилар моддий-маънавий қўллаб-қувватланилаётир.***

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида хайрли ва саховатли ишларни янада кенгроқ жонлантириш имкони туғилди. Ширкат касаба уюшмаси ва маъмурияти яқинда қабул қилган жамоа шартномасида ана шу масалага алоҳида эътибор қаратди.

Жумладан, якунланган йил даромади ҳисобидан мавжуд 40 та қишлоқнинг ҳар биридан иккита кам даромадли хонадонларнинг уйлари тўлиқ таъмирлаб бериладиган бўлди. Меҳнат аҳлининг ишдан сўнг бўш вақтлари мазмунли ўтишини таъминлаш ҳам бош масалалардан бири. Шу сабабли барча бригадалардаги дала шийпонлари таъмирланиб, шарт - шароитлар яратилаётир.

Тасарруфдаги шифохона ва поликлиникалар ҳамда амбулатория, қишлоқ врачлик пунктлари билан ҳамкорлик анъаналари тобора жонланаётир. Тўртта ҚВП қайта жиҳозланди ва уларга замонавий тиббий асбоб-ускуналар туҳфа этилди. Тиббиёт ходимларини ижтимоий қўллаш мақсадида ҳар чоракда ширкат ҳисобидан маблағ ажратишга келишилди.

Бозор иқтисоди шароитида ишловчи меҳнатига яраша рағбат топмаса, ишлаб чиқаришдан ва сифатли маҳсулот етиштиришдан путур кетиши мумкин. "Найманча"да маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорлиги тўғри таркиб топгани ҳамда жамоа шартномаси бандларига қатъий риоя этилаётганлик боис манфаатдорлик ҳамиша устувор бўлиб келаётир. Масалан, меҳнат аҳлининг ўртача маоши ўтган йил якуни бўйича 40-45 минг сўмданга тўғри келди. Шунингдек, ишлаб топилган ҳар бир сўмга қўшимча 1 сўм 70 тийиндан дивиденд белгиланди. Иқтисоднинг бақувватлашуви агросаноат мажмуи тармоқларини янада ривожлантириш ҳамда ижтимоий ҳимояни кенгроқ шакллантириш омилларини яратаётир.

Шу маънода баҳорги юмушлар бошланиши олдидан маъмурият кўрсатган ҳомийлик ташаббуси бўлғуси мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирлашига шубҳа йўқ. Аниқроғи, узоқ йиллар ширкатда меҳнат қилиб, нафақага кузатилаётган 20 нафар кишига ички нафақа белгиланиб, 400 минг сўм ажратилди. 82 нафар кишига эса саломатликларини тиклаб, даволанишлари учун юртимиздаги турли сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди.

Ишловчилар фарзандларини соғломлаштириш ва уларга ҳомийлик мадади кўрсатиш ҳам назардан четда қолмаётир. 40, 37, 9- сонли кичкинтойлар маскани қайта таъмирланиб берилди ва бу жойларда озиқ - овқат маҳсулотларидан узилишлар бўлмаслиги кафолатланди. Шунингдек, 14, 16- ўрта мактабларда қўшимча синфхоналари қуриб берилди, 8 нафар илғор ўқитувчи, 10 нафар аълочи ўқувчига хўжалик ҳисобидан ҳар чоракда пул мукофотлари ажратилди. Тасарруфдаги иккита ёзги оромгоҳда мавсум кўнгилдагидек ўтиши учун ҳозирданоқ тайёргарлик тадбирлар олиб борилаётир. Умуман, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида режалаштирилган юмушлар ҳали жуда кўп. Уларни рўёбга чиқаришда касаба уюшмаси ва маъмурият ҳамкорлигидаги битим асосий дастуриламал бўлаётир.

**Одинахон ШОКИРОВА,**
**хўжалик касаба уюшма**
**қўмитаси раиси**

Саҳифани Абдусами
ҲАҚБЕРДИЕВ уюштирди

### *Оролбўйи томонларда*

***Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Оролбўйида ҳам ёшларнинг етук илм ва касб-ҳунар эгаси бўлиб етишишларига қаратилган ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Мавжуд ўқув даргоҳлари капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқа воситалар билан таъминланаяпти, янгилари бунёд этилмоқда.***

# КАСБ-ҲУНАР МАСКАНЛАРИДА

## ҳар тарафлама етук, билимдон кадрлар тайёрланмоқда

Юртбошимиз Қорақалпоғистонда бўлганларида маданий-маърифий ишлар тараққиёти билан қизиқиб, Нукус шаҳрида янгидан тикланаётган маданият коллежи қурилиши билан танишган эдилар. Давлатимиз раҳбарининг касб-ҳунар масканлари архитектураси таълим-тарбия мазмунига мос бўлиши, барча соҳалар қатори кутубхоналар тизими компьютерлашиб бораётгани ва бугунги кунда ёшларни компьютерда, интернетда ишлашга пухта ўргатиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Ушбу тавсиялар асосида Олий ва ўрта махсус ўқув масканларида таълим-тарбия самарадорлигини яхшилаш дастури ишлаб чиқилди. Маданият коллежида электрон кутубхона ташкил этилиб, китоб жамғармаси 2,5 мингтадан ошди. Бўлғуси кадрларни ҳар тарафлама етук, билимдон кишилар қилиб тайёрлаш, қишлоқ ва овуллардаги кутубхона, клуб ва бошқа маданий-маърифий муассасалар фаолиятини яхшилаш чоралари кўрилаяпти. Кенг қамровли ишлар ижобий самара бермоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали ходими Раимберган Жуманазаров "Келажак овози" республика ёшлар кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритди. Ёш тадқиқотчи "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси филиалида икки йиллик фаолияти даврида «Биллинг» тизими самарадорлигини ошириш устида иш олиб борган. Бу лойиҳа мижозлар билан ишлаш сифатини оширади, олис масофалар билан тез ва аниқ алоқа ўрнатишни кафолатлайди. Билим ва тажрибасини янада мустаҳкамлаш учун фаол иш олиб бораётган иқтидорли мутахассис назарий тажрибани амалда қўллаб, яхши натижага эришаяпти.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган тадбирлар таълим-тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш, илғор тажрибаларни ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш имконини бермоқда. Бир йил бўлди, Тўрткўл банк коллежи 600 ўринли янги бинода фаолият кўрсатаяпти. Тўртта лингофон хонаси, барча қулайликларга эга бўлган спорт зали, ёзги ўйингоҳлар, 10 минг дона китоб жамғармаси мавжуд кутубхона, ётоқхона, талабалар хизматида. Иккита компьютер синфи ишлаб турибди. Янги педагогик технологияларни қўллаётган 57 нафар педагогнинг фидойилиги туфайли коллежнинг ўқув муассасалари орасида ўзига яраша нуфузи бор.

Жисмоний тарбия ва спорт йигит-қизларнинг севимли машғулотига айланган. Асқар Аббосов миллий кураш, Нигора Қурбонбоева теннис бўйича республика мусобақаларида ғолибликни эгаллаган.

Бўстон шаҳрининг энг баҳаво, хушманзара гўшаларидан бири Ақчакўл соҳилларида кўркам санъат коллежи қад кўтараётганлиги, Нукус туманида 600 ўринли "Қўтанкўл" қишлок хўжалик коллежи фойдаланишга топширилганлиги ва илм масканига 78 миллион сўмлик дарсликлар келтирилганлиги ёш авлод камолоти тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидан далолат беради.

Олис Қонликўл тумани марказида 850 ўқувчига мўлжалланган саноат-транспорт коллежи фойдаланишга топширилди. "Жамбасқалъа сув қурилиши" бошқармасининг қўлигул қурувчилари бунёд этган муҳташам иморат қурилишига 1 миллиард 720 миллион сўм маблағ сарфланди. Замонавий услубда бунёд этилган янги мажмуадан 400 ўринли мажлислар зали, бир-биридан чиройли ўқув хоналари, 540 квадрат метрли ёпиқ спорт иншооти, 250 ўринли ошхона, 100 ўринли ётоқхона ва яхши жиҳозланган устахоналар жой олган.

Тумандаги қурилиш-коммунал хўжалиги коллежида 473 нафар йигит-қиз касб-ҳунар ўрганаяпти. Ўқув даргоҳида ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилаяпти. "Огоҳлик — давр талаби", "Гиёҳвандлик — аср балоси", "Баркамол авлод — миллат келажаги", "Ўз уйингни ўзинг асра" каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш одат тусига киритилган. Тажрибали устоз ва мураббийлардан Қувонч Султонмуродов, Олтиной Жаксимуродова, Қувватой Қурбоноева, Қувончбой Тожимуродов, Ўрингул Атакаева, Лизахон Қурбонова кабилар талабаларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан ўтказиш, касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат малакаларини, инсоний фазилатларини шакллантириш йўлида жонкуярлик кўрсатаяптилар.

Қорақўзак қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси Гулмира Ҳабибуллаева Ўзбекистон Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати Либерал демократик партияси томонидан уюштирилган "Ишбилармон ўқувчи" танловида фаол қатнашиб, 42 нафар қорақалпоғистонлик академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасида ғолибликни эгаллаб, имтиёзли стипендия билан таъминланди.

Нукус шаҳри, Беруний, Амударё ва Қораўзак туманларида касб-ҳунар коллежларининг ўқув ишлаб чиқариш базаси такомиллаштириляпти. Қораўзакдаги қишлоқ хўжалик коллежида лойиҳа қиймати 213 миллион 550 минг сўмлик ишлаб чиқариш устахонаси, техника лабораторияси таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Чорвачиликни ривожлантириш учун минифирма қурилди. Янгидан қуриб битказилган ўқув устахонасига 1 миллиард сўмлик жиҳозлар олиб келиб, ўрнатилди.

Ёшларни илм ва касб-ҳунарга йўналтириш соҳасидаги саъй-ҳаракатлар Оролбўйи халқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини бераяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

# ЭЛ СОҒЛИҒИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

*Мамлакатимиздаги барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам сўнгги йилларда бир қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш даражасини шакллантириш мақсадида олиб борилаётган ишлар самараси бугунги даврнинг талаби. Жумладан, Фарғона вилоятида бу борада олиб борилаётган ишлар салмоғи бир мунча сезиларлидир. Тўғри, соҳада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Аммо ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам бўлиши табиий.*

*Вилоятдаги Бағдод туманида 160 минг нафар аҳолининг кўпчилиги қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Ҳозирги кунда бу ерда 20 та бўлимга эга бўлган марказий шифохона ва 3 та поликлиника фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, олис қишлоқларда яшовчи аҳоли учун замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 20 та қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд. Аҳолига ўз вақтида тиббий ёрдам бериш мақсадида 9 та тез ёрдам машиналари мунтазам ишлаб турибди.*

**Суратда: шифохона лабораториясида.**

**Ш.ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

### *Маънавиятимиз сарчашмалари*

***Наманган нафақат гуллар, боғ-роғлар, кўз етмас пахтазорлар, тошқин дарё-ю сойлар юрти, балки мамлакатимиз маънавияти юксалишига баракали ҳисса қўшган ва қўшаётган масканлардан биридир. Ўзбек адабиёти осмонида ёркин юлдуздек порлаётган Бобораҳим Машраб, шунингдек, ҳар куни "ойнаи жаҳон" ва радиокарнайлар орқали сиз-у биз роҳатланиб тинглайдиган ўнлаб бетакрор қўшиқлар муаллифи Чустий, бугунги шеъриятимиз пешқадамларидан Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, қўшиқчилигимиз сардорларидан Камолиддин Раҳимов... Буларнинг бари шу заминда дунёга келган ва халқнинг чексиз ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган зотлардир. Қолаверса, бу рўйхатни ҳали анча давом эттириш мумкин. Жумладан, уларнинг бири Исоқхон Тўра Ибрат ҳам Наманган тупроғида таваллуд топган ва ўзбек тилида чоп этилган газета асосчиси бўлган.***

# ИСОҚХОН ТЎРА ИБРАТ КИМ БЎЛГАН?

– Хўжа Аҳмад Яссавий ишининг давомчиларидан саналган, шоир, тилшунос ва тарихчи Исоқхон Тўра Ибрат Тўрақўрғон туманининг қадимий Сайрам қишлоғида 1862 йилда дунёга келган, – дея маълумот беради вилоят ўлкани ўрганиш музейи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Э.Мирзаалиев. – Унинг ота-онаси маърифатпарвар кишилардан бўлиб, фарзандларининг илмли кишилар сифатида вояга етишишларига алоҳида аҳамият беришган ва бу йўлда зарур бўлган барча шароитларни яратишган. Буни шундан ҳам англаш мумкинки, Исоқхон Тўра Ибрат йигирма тўрт-йигирма беш ёшлигида етти хориж тилини ўрганиб улгурган ва уларнинг ҳар биттасида бемалол гапирган, ёзган, ўқиган. Ўғлининг қобилиятини яхши англаб етган ота тижорат ишларини унга ишониб топшириб қўйган.

Натижада, Исоқхон Тўра савдо-сотиқ ишлари баҳонасида Россиянинг қатор шаҳарларига, шунингдек, шарқ ва ғарбдаги бир қанча мамлакатларга сафар қилган. Ўлкани ўрганиш музейидаги мавжуд маълумотларга кўра, 28 та мамлакатда бўлишга улгурган, улардан халқ ҳаёти, давлат бошқаруви тузилмаси, урф-одатларини, тилини ўрганиш имкониятига эга бўлган. Улар ичидан айниқса, рус тилини пухта ва чуқур ўзлаштиришга, бу ердаги маданий ҳаётни билишга муваффақ бўлган. Оренбургда узоқроқ муддат савдо-сотиқ билан шуғулланиб юрганида шаҳардаги газеталар фаолияти, уларнинг чоп этилиши билан қизиқиб қолади. Орттирган танишбилишлари ва дўстлари кўмагида бу ишни Наманганда ҳам амалга оширишни ўйлайди. Тайёргарлик кўради. Шу мақсадда бир қанча босмахона машиналарини сотиб олади ва бу ерда орттирган таниши Гауфман ёрдамида ватанида газета чиқаришни режалаштиради. Бунинг учун анчагина маблағ зарурлигини инобатга олиб, давлатдан ўн йилга қарз кўтаради ва юкларни Қўқон шаҳрига келтириб туширади.

Ниҳоят, маҳаллий ҳокимият рухсати билан уларни Тўрақўрғон қишлоғига келтиради ва "Матбаи Исхохия" босмахонасини очади.

Исоқхон Тўра фақат босмахона очиш билангина кифояланиб қолмайди. Маҳаллий ёшларни билимли қилиш, кенг аҳоли қатлами орасидан маърифат тарқатиш ишлари билан ҳам шуғулланади. Шу мақсадда Татаристондан Ҳусайн Маллаев деган ўқитувчини ишга таклиф этади. У мактабда болаларга рус тилини ўргатишдан ташқари босмахона ишларини ташкил этишда ҳам кўмаклашади. Ушбу босмахонада Ибратнинг ўша замон грамматикасига бағишланган биринчи асари чоп этилади. Шунингдек, ўз ҳисобидан мактаб очади ва унга камбағал, бева-бечораларнинг болаларини жалб этади. Бундан ташқари, бу ерда Ибратнинг илм-фан ривожига бағишланган бошқа асарлари, шеърий тўпламлари ҳам босилиб чиқади.

Мактаб дарслиги ва Исоқхон Тўра асарлари нашр этилган босмахонада кейинчалик, аниқроғи, 1917 йилда Ҳусайн Маллаев таҳрири остида "Фарғона саҳифаси" номи билан газета нашр этила бошлайди. Аммо, унинг 40 та сонигина ўқувчилар қўлига етиб боради, холос. Маҳаллий шўро ҳокимиятининг кўрсатмасига кўра, ушбу газетани чиқариш тақиқланади. Вазиятдан келиб чиқиб, энди Ибрат бошқача йўл тутади. Газета номини сал ўзгартириб, "Фарғона нидоси"га айлантиради. Лекин унинг ҳам 19 та сони дунё юзини кўради, холос. Уни ҳам беркитишади ва умуман босмахонада газета чоп этиш тақиқланади.

Исоқхон Тўра бошлаган эзгу иш изсиз кетмайди. Бошқа туман ва шаҳарларда, жумладан, Наманган шаҳрида секин-аста босмахоналар очилади, мухбирлар пайдо бўлади, шу тариқа маҳаллий журналистика шаклланади. Бинобарин, Наманганнинг биринчи матбаачиларидан, маърифатпарварларидан, илм-фан соҳибларидан саналган Исоқхон Тўра Ибратнинг номи унутилмади. Истарддикки, дорилфунунларимиздаги журналистика факультетларида ўзбек матбаачилиги тарихи фани ташкил этилса-да, уларда Ибрат сингари ўзбек матбаачилари қалдирғочлари хизматлари талабаларга таништирилса.

**Обиджон**
**ЖУМАНАЗАРОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

### *Офарин!*

## БИР ЙИЛДА УЧ "ГРАН-ПРИ"

Мамлакатимизда санъат ва маданиятга эътибор катта. Бунинг ижобий ҳосиласи ўлароқ кейинги йилларда санъатимизга бир қанча иқтидорли ёшлар кириб келдики, улар ўз изланишлари, ижрочилик маҳорати билан нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ўтказилган халқаро фестивал ва танловлар ғолиблигини қўлга киритиб келишмоқда.

Абдумалик Абдуқаюмов ана шундай истеъдодли ёшлардан. У ҳатто хорижда ҳам ўз мухлисларига эга. Ноёб баритон овоз соҳибини Россия, Озарбайжон ва қозоғистонлик санъат мухлислари ҳам яхши билишади. У аввал Қозоғистонда ўтказилган Халқаро рус "Романсиада"сида муваффақиятли қатнашиб, гран-прига сазовор бўлди. Шундан сўнг халқаро танлов мутасаддилари уни Москва "Романсиада"сига йўллашди. У композитор Г. Свиридовнинг Сергей Есенин шеърига ёзган романсини қойилмақом ижро этиб, иккинчи марта гран-при соҳибига айланди. Абдумаликнинг Озарбайжонда эришган ютуқларига эса Бокуда ҳавас қилмаган ёш қолмади. У "Булбул" халқаро танловида юксак ижрочилик маҳоратини намойиш этиб, учинчи бор ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Ҳозиргача биронта ёш ижрочимиз бир йилда уч бор гран прига сазовор бўлмаган эди.

Абдумалик Абдуқаюмов 1979 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Ёшлигидан санъатга, хусусан, классик қўшиқчиликка меҳр қўйиши боис мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ мусиқий тўгаракларда қатнашиб, мумтоз қўшиқларни баритон йўналишида куйлай бошлади. Ўзбекистон Миллий университети "Немис" филологияси факультетини имтиёзли диплом билан битирган бўлсада, санъатга бўлган меҳри боис Абдумалик Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кирди. У айни вақтда иккинчи курсда таҳсил олиш билан бирга, Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет Академик катта театрида солист-стажёр сифатида фаолият кўрсатмоқда. Абдумалик инглиз, немис, итальян ва рус тилларида эркин гаплаша олади.

–Эришган ютуқларим ҳукуматимизнинг санъат аҳлига бўлган юксак эътибори ва устозларимнинг таълими натижаси, деб биламан. Келажакда француз ва итальян тилларида ҳам қўшиқ куйлаш ниятим бор. Ўз тажрибамга ишонган ҳолда келажакда ўзбек классик қўшиқларини бутун жаҳон узра тараннум этишга ҳиссамни қўшаман, – дейди биз билан суҳбатда Абдумалик Абдуқаюмов.

Санкт-Петербургда ўтказилган "Елена Абрасова" номидаги тўртинчи халқаро фестивалда Абдумалик Абдуқаюмов улуғ рус композитори Роман Чайковский яратган опера услубидаги қўшиқларини моҳирона куйлаб биринчи ўрин соҳиби бўлди. Ғолиблик уни 2006 йилнинг сентябр ойида Францияда ўтказиладиган бутун жаҳон халқаро фестивалда иштирок этиши учун имконият яратди.

**"Туркистон-пресс"**

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Абдуганиева Фируза Кахрамоновна номига берилган думалоқ мухр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КУБОГИ УЧУН

«Олимпия захиралари» коллежида баскетбол бўйича Қорақалпоғистон кубоги мусобақалари ўтказилди.

Уч кун давом этган қизиқарли беллашувда шаҳар ва туман, корхона ва ташкилотлар, ўрта-махсус ва олий ўқув юртларининг жамоалари ўзаро куч синашди.

Муросасиз кечган курашда «Профиникс» жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади. Иккинчи ўрин Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти жамоасига, учинчи ўрин Тахиатош шаҳар спортчиларига насиб этди.

Ғолиб жамоаларга кубок ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

### *Олимпиада кундалиги*

## МЕДАЛЛАР ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Италиянинг Турин шаҳрида давом этаётган қишки олимпиада ўйинларида дастлабки медаллар ўз эгаларини топмоқда. Ҳозирча ушбу рўйхатда 4 та олтин ва 2 бронза медалларини қўлга киритган америкалик спортчилар етакчилик қилишмоқда.

Россия вакиллари 3 та олтин, 3 кумуш ва бронза медаллари билан иккинчи, Германия жамоаси эса учинчи ўринда боришмоқда. Улар ҳисобида 2 та олтин ва битта бронза мавжуд.

## ЧЕМПИОН БЎЛИБ... ХАЙРЛАШДИ

Фигурали учиш бўйича Турин олимпиадаси чемпионлари Татьяна Тотьмянина ҳамда Максим Марининлар ҳаваскорлик фаолиятини якунлашини эълон қилди.

- Бугунги иштирокимиз ҳаваскорлик мақомидаги сўнгги чиқишимиз бўлиб қолади. Ғалаба сари йўл биз учун осон кечгани йўқ. Шоҳсупада туриб йиғламасликка сўз бергандим, бироқ бунинг иложи бўлмади, - деган матбуот анжуманида Татьяна Тотьмянина.

Россиялик жуфтлик эркин ва қисқа дастурлар бўйича 204,48 балл жамғариб, хитойлик Чжан ва Чжао жуфтлигини ортда қолдирган. Дарвоқе, шеригини осмонга улоқтирган Чжао уни ушлаб қолишнинг уддасидан чиқа олмагани панд берди.

Ҳакамлар бу ҳолни "қалтис дастурдаги кутилмаган воқеа" дея баҳолашди ва бу жуфтликка иккинчи ўринни лозим топишди. Учинчи ўрин ҳам Чин юрти вакилларига насиб этди.

## БЕГОНАЛАР РЕКЛАМАСИ МАН ЭТИЛАДИ

Халқаро олимпия қўмитаси (ХОК) Россия терма жамоасининг ҳомийси бўлган "Bocko" компаниясини жиддий огоҳлантирди. Гап шундаки, бу компаниянинг рекламалари олимпия шаҳарчасида кенг тарғибот этилган. Шу боис ХОК компанияни зудлик билан бу ишларни тўхтатишга чақирди.

- Қоидаларга мувофиқ ХОК ўз ҳомийларига ташвиқот олиб боришга рухсат этган. "Bocko" компанияси бу рўйхатда йўқ. Иш шу огоҳлантириш билан якун топса ҳам майли. Бироқ, ХОК жиддий талабларни олға суриши мумкин, - деган россиялик расмийлардан бири.

Ҳақиқатдан ҳам ХОК Россия терма жамоасига тақдирлаш маросимига ушбу компания белгиси билан чиқишни тақиқлаган. Ҳаммаси нима билан тугашини эса ҳар доимгидек, вақт кўрсатади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ**
**тайёрлади**

## "ШОИР ВА ОЛИМ" АЙЛАНМА КРОССВОРДИ



**Жавоблар шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида ёзилади:** 1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур устоз деб билган ва маълумотлар ёзиб қолдирган улуғ ўзбек шоири. 2. Ижодкорнинг маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги, ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид асари. 3. Асарларида соғинч билан ёд этган азиз диёр. 4. Шарқона мумтоз шеърий жанр. 5. Бобур тилга олган Афғонистондаги тарихий шаҳар. 6. "Бобурнинг Фарғона давлати", "Бобур ва Андижон" асарлари муаллифи. 7. Халқаро Бобур жамғарманинг таъсис этган мукофот совриндорларидан бири, режиссёр. 8. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган шаҳар. 9. "Бобурнома"да маълумотлар келтирилган Ўзбекистон жанубидаги шаҳар. 10. Шоир ғазалидан:

**Не хулқ эди, ёна кўнглум олдинг сўз ила,**
**... сўзу яхши хулқингга банда бўлай.**

11. Ижодкорнинг илк ғазали мисраларидан:

**Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,**
**Кўнглимдин ўзга маҳрами... топмадим.**

12. Бобурнинг аруз вазни ва қофия масалаларига бағишланган асари. 13. Шоир фикр ва мулоҳазаларини ёзиб қолдирган форс-тожик мутафаккир шоири. 14. Бобурийлар авлоди бунёд этган Агра яқинидаги беқиёс меъморий обида. 15. Насрий асар тури. 16. Ёзувчининг асар ёки адабиёт соҳасининг тил воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хос йўли. 17. Шоир ихлос қўйиб обод қилган "Назаргоҳ" (кейинчалик "Боғи Бобур" деб номланган) жойлашган Бобур мақбараси меъморий ёдгорлик ўрнатилган шаҳар. 18. Ижодкорнинг араб алифбосини таҳрир этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган асари номидан: "Хатти...". 19. Замонасининг етук шоири, Бобурнинг ўғли. 20. Бобурнинг она томонидан бобоси Юнусхон ҳокимлик қилган шаҳар. 21. Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романи қаҳрамони. 22. Шеър мисраларида асосий қофиядан кейин такрорланувчи сўз. 23. Назмий асарлар тўплами. 24. Ўз асарлари билан XVI аср бошларида фан тараққиётига ҳисса қўшган аллома, ҳиротлик тарихчи Бобурнинг замондоши.

**Фозилжон ОРИПОВ**
**тузди.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18996
Буюртма Г— 414

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21:00
Топширилди - 23.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.